

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИСИРОВА СУРАЙЁ АБДУМУТАЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОЛА (*LILIACEAE* L.) ВА ОРХИДЕЯ (*ORCHIDACEAE*  
JUSS.) ЛАРНИНГ АЙРИМ НАВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни  
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя  
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)  
on agricultural sciences**

**Мисирова Сурайё Абдумуталовна**

Ўзбекистонда лола (*Liliaceae* L.) ва орхидея (*Orchidaceae* Juss.) ларнинг айрим навларини кўпайтириш технологияси..... 3

**Мисирова Сурайё Абдумуталовна**

Технология размножения некоторых сортов тюльпанов (*Liliaceae* L.) и орхидей (*Orchidaceae* Juss.) в Узбекистане..... 27

**Misirova Surayyo Abdumutalovna**

Technology of growing some varieties of tulips (*Liliaceae* L.) and orchids (*Orchidaceae* Juss.) in Uzbekistan..... 51

**Эълон қилинган ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИСИРОВА СУРАЙЁ АБДУМУТАЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЛОЛА (*LILIACEAE* L.) ВА ОРХИДЕЯ (*ORCHIDACEAE*  
JUSS.) ЛАРНИНГ АЙРИМ НАВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни  
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя  
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/Qx119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қайимов Абдихалил**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўхтаев Бобокул Ёркулович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Давронов Қахрамон Давронович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Турдиев Саидали Ашурович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Ётақчи ташкилот:**

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 25 май соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№548557-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 12 май куни тарқатилди.  
(2023 йил 19 апрелдаги 22-рақамли реестр баённомаси).



**Э.Т. Бердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**М.З. Холмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**С.А. Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида гулчилик соҳасини ривожлантириш ва ландшафт дизайн, аҳоли, боғ-парк ҳамда автомобил йўлларини кўкаламзорлаштириш бўйича бир қатор илмий- амалий ишлар олиб борилмоқда. Кўкаламзорлаштириш ишларида лола гули ва орхидеялар дунёда етакчи ўринда турадиган гуллар сирасига киритилиб, улар очиқ (30% гача) ва ёпиқ (80% гача) грунтда ўстирилмоқда<sup>1</sup>. Лола ва орхидеянинг кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган янги навларини яратиш, ҳамда уларни кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Халқаро гулчилик Ассоциацияси ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мавжуд гуллар ассортиментида 290 та тур мавжуд бўлиб, шундан 50 таси асосий турлар сифатида ўстирилмоқда. Асосий турлар орасида лола ва орхидея гуллари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Нидерландия, Германия, Италия, Испания, Кения каби давлатларда уларнинг янги навларини яратиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида лоланинг 10 минг, орхидеянинг эса 30 мингдан ортиқ навлари яратилган ва улардан дунё бўйича 22,5 минг жумладан Нидерландияда 11,0 минг гектардан ортиқ майдонда лола плантацияларини барпо этишда кенг кўламли фойдаланилмоқда<sup>2,3</sup>. Ушбу турларни етиштирувчи давлатлар томонидан эса уларнинг янги навларини яратиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда дунё миқёсида яратилган навларни иқлимлаштириш ва ўстириш агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мамлакатимизда шаҳарсозлик, кўкаламзорлаштириш тизимида гулли ўсимликларни самарали плантацияларини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш»<sup>4</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада кўкаламзорлаштириш ва экспортбоб ўсимликларни биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стандарт гул кўчат ва гул пиёзларини етиштиришни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ноёб экспортбоб гул турларининг истиқболли навларини танлаш, баҳолаш ва уларни жадал кўпайтириш ҳамда кўчатлари ва пиёзларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш давлат иқтисодиёти ва гулчилик соҳаси учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги 830-сон «Наманган вилоятида гулчиликни янада ривожлантириш» тўғрисидаги қарори, 2021 йил 6 июндаги Президентимизнинг Андижон

1 Современное состояние цветоводства за рубежом (STUDOPEDIA.SU)

2 А Сколько разновидностей тюльпанов существует? - Энциклопедия (LIFECITY.COM.UA)

3 Разновидности орхидей фото с названиями и описанием (TSVESTI.RU)

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

вилоятига ташрифида “Андижон гуллар боғи корхонаси кластерга айлантирилиши ва орхидея гулини Андижон наъмунасини ташкил этиш” тўғрисидаги топшириғи ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» илмий-техника дастурида белгиланган устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Лола ва Орхидея туркуми турларининг биохилмахиллиги, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, селекцияси, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги навларни яратиш ва уларни кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан<sup>5</sup> International Seabuckthorn Association (Хитой), Himachal Pradesh Agricultural University (Ҳиндистон), Technical University of Berlin (Германия), University of Turku (Финляндия), Biological research Institute of Romania (Руминия), Бутунроссия доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий-тадқиқот институти (Россия), академик М.А. Лисавенко номидаги Сибирь боғдорчилиги илмий-тадқиқот институти (Россия)<sup>6</sup>, Москва давлат университети (Россия), академик Комаров номидаги Ботаника институти (Россия), Нижний Новгород қишлоқ хўжалиги академияси (Россия), Урал ўрмон-техника институтида (Россия), Бурят мевачилик тажриба станцияси (Россия), Украина, Белорусь, Озарбайжон Миллий Академияларининг Ботаника боғларида олиб борилмоқда.

Ушбу ўтказилган тадқиқотлар натижасида лола ва орхидея турларининг тарқалиши, манзаравийлик хусусиятлари ва интенсив кўпайтириш усуллари, касаллик ва зараркунандалари аниқланган, плантацияларда ўстириш агротехникаси ишлаб чиқилган ҳамда лоланинг 10 мингдан ортиқ навлари яратилган; орхидеянинг эса ҳозирги кунга қадар 30 мингдан ортиқ нави яратилган бўлиб, уларни кўпайтириш ва плантацияда ўстириш технологияси ишлаб чиқилган.

Гулчилик соҳасида асосан қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: лола ва орхидеянинг ҳар бир тупроқ–иқлим шароити учун мос қимматли хўжалик-биологик белгиларига эга бўлган истиқболли шаклларини танлаш ва янги навларини яратиш; уларни самарали кўпайтириш усуллари ва стандарт кўчатларини етиштириш, плантацияларда ўстириш ва парваришлашнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш шулар жумласидандир.

---

<sup>5</sup> [www.vilarnii.ru](http://www.vilarnii.ru)

<sup>6</sup> [www.niilisavenko.org](http://www.niilisavenko.org)

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лола ва орхидеяни кўпайтириш, кўчатларини етиштириш ва ўстириш технологиясини такомиллаштириш, селекциясини ўрганиш бўйича Белицкий И.В. Морозов В, Коломейцева Г.Л. Герасимов С.О. (Россия), Chiba Masaaki (Япония) R.L.Dressler, Harper Tom, White Taylor, Judy Taylor (АҚШ), Leroy-Terquem, Gerald and Jean Parisot, (Буюк Британия), Lyuis Knudson (Нидерландия) Andželika Buczynska, Agnieszka Zawadzinska, Piotr Salachna (Польша), каби олимлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган. Гулчилик соҳасидаги илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Брюсселда Халқаро гулчилик асоциацияси (International Flower Trade Association) тузилган бўлиб, у дунёда гул етиштирувчиларнинг ютуқларини кенг жамоатчиликка етказиб бермоқда.

Ўзбекистонда лола турларини ўрганиш бўйича З.П. Бочанцева, К.Ш. Тожибоев, В.П. Печеницин, М.Т. Турғуновлар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар асосан маҳаллий шароитда ўсиб-ривожланаётган турларнинг биологияси, тарқалиши, ҳозирги ҳолати, табиий заҳираси, фенологиясини ўрганишга қаратилган. Ушбу олимлар томонидан кўкаламзорлаштиришда кенг кўламда фойдаланиладиган хорижий навларни интродукция қилиш, мослаштириш, ўстиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Орхидеяни Ўзбекистон шароитида ўстириш бўйича илмий-тадқиқотлар илгари олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-ОТ-2021-75 «Наманган шароитида орхидея гулини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020–2022 йй.), мавзусидаги инновацион илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда кўкаламзорлаштириш мақсадида ишлатиладиган маҳаллий ҳамда хориждан интродукция қилинган лола (*Tulipa L.*) ва орхидея (*Orchidaceae Juss.*) навларининг морфологиясини тадқиқ этиш, уруғидан ва вегетатив аъзоларидан кўпайтириш, пиёзлар ва кўчатларини инновацион усулларда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, истиқболли навларини танлаш ва баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

лола ва орхидеянинг айрим навларини интродукция қилиш ва Ўзбекистон иқлим шароитига мослашувчанлигини аниқлаш;

лола ва орхидеянинг айрим навларини манзаравийлиги, пиёзи ва уруғларининг морфологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

лоланинг пиёзларини экиш муддатлари, экиш чуқурлиги ва экиш схемаларини аниқлаш;

лола ва орхидеянинг пиёзларидан кўпайтириш ва кўчатларини ўсиш хусусиятларини аниқлаш;

лола пиёзининг унувчанлик динамикасини аниқлаш, орхидеянинг вегетатив аъзоларидан ҳамда уруғларидан *in vitro* усулида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

лола навларининг манзаравийлигини комплекс баҳолаш орқали истиқболли навларни танлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида лоланинг Ўзбекистонда ўстирилаётган *Анушка, Май Леди, Маурен, Оксфорд, Принцесса Шармант, Парад, Рогнеда, Посвишение Вавилову, Флородейл, Президент Кеннеди* ва Нидерландиядан келтирилган *Givency spar red, Barbara sobel pink, White rode punt, Dub rw, double red with white effe, Ridgedale orange, Brown semi double, NC pride dark lila, Crw 18 creamwhite, Dana Winner white, Purper cloud, Purple early blooming, Piet Paulusma yellow, Givency red with yellow effe, Lichte copex light pink, Bl 16-17o viole* навлари, ҳамда Орхидеянинг *Phalaenopsis* нави.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб лоланинг пиёзлари, орхидеянинг вегетатив аъзолари ва уруғлари, уларни экиш олди тайёрлаш тартиби, вегетатив кўпайтириш, гармонлар, стимуляторлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилди, Нидерландиядан келтирилган лола навларининг биоморфологик кўрсаткичлари таҳлил этилиб, лола навларининг экиш муддатлари, экиш схемаси ва ўсиб-ривожланиши Б.Н. Зайцев (1983) услубида, фенологик кузатувлар И.Н.Бейдеман (1974) услубида, манзаравийлик хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш В.Н. Былов (1978) услубида, ўсимликлардан ажратилган хужайра ва тўқималарни *in vitro* шароитида ўстириш Murashige T., Skoog F.A (1962) томонидан яратилган озуқа муҳитларида, дастлабки ўсимлик материалларини стерилизация қилиш Р.Г. Бутенко услуби бўйича амалга оширилган ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1983) дисперсион услуби асосида Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор лоланинг Нидерландиядан келтирилган 16 та навлари ва орхидеянинг Малайзиядан келтирилган *Phalaenopsis* навининг интродукцияси ҳамда мослашувчанлиги таҳлил этилган;

лоланинг маҳаллий ва Нидерландиядан келтирилган навлари пиёзларининг узунлиги, диаметри ва оғирлиги орасида чизиқли корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланган (регрессия тенгламаси Нидерландиядан келтирилган навларда  $y=0,9779x-1,53$  ( $R^2=0,9504$ ), маҳаллий навларда  $y=0,7807x+0,6093$  ( $R^2=0,7755$ ));

лоланинг маҳаллий ва Нидерландиядан келтирилган навларни 0,7х0,1 м схемада етиштириш орқали *Dana Winner white* навида 1 гектардан 410 минг донагача ёки Нидерландия навларига нисбатан 1,025-1,95, маҳаллий навларга нисбатан эса 1,41-2,73 маротаба кўп пиёз ҳосилини олиш мумкинлиги аниқланган;

орхидеяни *in vitro* усулда уруғидан, вегетатив аъзоларидан ўстириш учун озуқа муҳити таркибига БАП (кинитин) нинг 0,4 л/мг миқдорини қўллаш орқали 18-ойдаги гуллар сонини 10 дона ёки *Trichoderma vrayde* препаратига нисбатан 2 маротаба, Активланган кўмирга нисбатан эса 2,5 маротабага ошириш мумкинлиги аниқланган;

орхидея гули поясини *in vitro* усулида ўстиришда MS+1NAA+1BAP гормонидан фойдаланиш орқали 2 ҳафтадан 60% гача эксплант олиш мумкинлиги исботланган;

лоланинг Нидерландиядан келтирилган 16 та ва маҳаллий 10 та навларини комплекс баҳолаш орқали Нидерландиянинг *Dana Winner white* (95 балл), *Crw 18 creamwhite* (93 балл), *Piet Paulusma yellow* (92 балл), *Purple early blooming* (93 балл), *Wit rode punt* (92 балл), *NC pride dark lila* (91 балл) навлари, маҳаллий *Оксфорд* (96 балл), *Флородейл* (93 балл), *Посвищение Вавилову* (92 балл) ва *Рогнеда* (91 балл) навлари истиқболли навлар эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибалари, кузатувлар ва биометрик ўлчовлар, пиёзидан, уруғидан ва вегетатив аъзоларидан кўпайтирилган кўчатлар чиқишини ҳисобга олиш орқали куйидаги амалий натижалар олинган:

Нидерландиядан интродукция қилинган *Givency spar red*, *Barbara sobel pink*, *White rode punt*, *Dub rw*, *double red with white effe*, *Ridgedale orange*, *Brown semi double*, *NC pride dark lila*, *Crw 18 creamwhite*, *Dana Winner white*, *Purper cloud*, *Purple early blooming*, *Piet Paulusma yellow*, *Givency red with yellow effe*, *Lichte copex light pink*, *Bl 16-17o viole* навлари, ҳамда Орхидея (*Orchidaceae* Juss.) нинг *Phalaenopsis* навларини ўстириш ва ташқи муҳитга мослашувчанлиги аниқланган;

лоланинг жозибалиги ва серхосиллиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон иқлим шароитига мослаша олиши ва юқори хосилдорлигига қараб 26 та нав шундан Ўзбекистоннинг 10 та, Нидерландиянинг 16 та навлари, орхидеянинг эса 1 та нави танланган;

орхидеяни хаво илдиз, илдизлари ва баргидан озуқа моддага экилганда ўсиш жараёни кузатилмаган бўлсада, барги ва поясини перлитга экилганда илдиз олдириш ва кўпайтиришга эришилган;

орхидеянинг уруғи ва каллос тўқимасини озуқа муҳитига экиш энг мақбул усул деб белгиланган, орхидея уруғларининг кузоқчаларида 4 мингдан 5 минггача уруғлар мавжуд бўлиб, битта кузоқчадан камида 100-200 тагача орхидеяни озуқа муҳитда кўпайтиришга эришилган;

лолани 3 хил касаллиги (*Botrytis tulipae* (Lib.) Hopkins, *Fusarium oxysporum* Schl. f. sp. *tulipae* Apr, *Pythium ultimum* Hesse) аниқланган ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган;

орхидеяни озуқа муҳитидан ажратиб олишда чириган илдизларини кесиб олиш, кесилган жойга водород пероксид билан ишлов бериш, ҳамда янги торф ва дарахт пўкакларидан тайёрланган субстратда ўстириш орқали адаптациядан ўтказиш мумкинлиги аниқланган;

тадқиқот натижаларига кўра лоланинг 26 та, орхидеянинг 1 та навларини кўриниши, жозибаси, ифори, хосилдорлик белгиларига кўра комплекс баҳолаш орқали селекция мақсадлари ва ишлаб чиқариш учун лоланинг 11 та, орхидеяни 1 та истиқболли навлари ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларининг етакчи илмий нашрларда чоп

этилганлиги, Олинган илмий-тадқиқот натижаларини илмий лойиҳалар доирасида бажарилганлиги ва доимий апробациядан ўтказилганлиги, НамМТИ апробация комиссияси томонидан дала тажрибалари ҳолати ва бирламчи маълумотларнинг ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари бўйича тузилган оралиқ ва якуний ҳисоботларни НамМТИ ва Наманган Гулчиликни ривожлантириш маркази ассоциациясида, Нидерландия билан ҳамкорликда очилган NamanganBlomboin МЧЖ ташкилотида муҳокама этилганлиги, лойиҳалар бўйича ҳисоботларни тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижалари асосида халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлигини тасдиқловчи 10 та далолатномаларнинг мавжудлиги, тадқиқотлар жараёнида олинган дала, лаборатория ва экспедиция маълумотлари замонавий компьютер технологияларидан яъни Microsoft Excel, Maple компьютер дастури ёрдамида статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган, олинган натижалар ва хулосаларнинг асосланганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада илк бор лола плантациялар барпо этиш учун фойдаланиладиган лоланинг 11 та нави, орхидеянинг 1 та истиқболли навлари танланганлиги, уларни пиёзи, уруғидан ва вегетатив аъзоларидан кўпайтириш усуллари ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини илмий асосланганлиги, 2020 йил Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар каталогига киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, лоланинг пиёзларини териш ва униб чиқиш динамикасига қараб энг мақбул экиш усуллари ва муддатлари ҳамда субстратлари аниқланди. Орхидеяни уруғи ва вегетатив аъзоларидан *in vitro* усулида кўпайтириш учун озука муҳитлар таркиби ва адаптация учун энг мақбул субстратлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лола навлари ва Орхидеяни кўпайтириш ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Ҳаваскор гулчилар ва “Гулчиликни ривожлантириш маркази” ДУК учун «Лола гулини етиштириш технологияси», «Орхидея гулини етиштириш технологияси» тавсияномалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 25 октябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалардан гулчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

лоланинг Нидерландиядан келтирилган 16 та навини етиштириш технологияси “Ligtharttulips-Namangan” МЧЖ нинг 3,5 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 25 октябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида лола пиёзларининг ҳосилдорлигини ошириш орқали гектарига иқтисодий самарадорлик ўртача 96000,0 минг сўмни ташкил этган;

орхидеяни *in vitro* шароитида кўпайтириш технологияси “Гулчиликни ривожлантириш маркази” ДУК нинг биолобораториясига жорий этилган (“Гулчиликни ривожлантириш маркази” ДУК нинг 2022 йил 22 октябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Натижада орхидея кўчатларини етиштириш ва сотиш орқали олинган иқтисодий самарадорлик 23375,0 минг сўмни ташкил этган;

лола етиштиришда кузатиладиган касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш усули “Lightharttulips-Namangan” МЧЖ нинг 3,5 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 25 октябрдаги 01/18-2837-сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорликни гектарига 4,9 тоннагача оширишга эришилган ва иқтисодий самарадорлик 35185,0 минг сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ~~ҳар йили~~ Наманган гулчиликни ривожлантириш Маркази ва Наманган муҳандислик-технология институти апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган. Наманган муҳандислик-технология институти илмий кенгашида муҳокама этилган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари 10 марта халқаро анжуманларда, жумладан, 2019 йилда Малайзиянинг “Univesity of Malaya” университетида, 2021 йилда Белоруссиянинг БНТУ ва БГУ да, 2022 йилда Туркиянинг Эге ва Карабук университетларида ҳамда республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация ишининг илмий натижалари 42 та илмий ишларда ўз аксини топган, бундан 6 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 25 та, жумладан, 9 та юқори импакт факторли хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда тадқиқот мавзуси бўйича 3 та ЭХМ учун дастурий гувоҳномалар олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 6 боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида дунё миқёсида лола ва орхидея туркуми турлари, ҳамда навларининг биохилмахиллиги, тарқалиши ва кўпайтиришнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Лола (*Liliaceae* L.) ва орхидея (*Orchidaceae* Juss.) гулларининг етиштириш технологиясини назарий асослари (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида Лола ва Орхидея турларининг биохилмахиллиги, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш технологияларининг ҳозирги ҳолати, чет эл ҳамда республикамиздаги дастлабки ва ҳозирги кунларда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда кўплаб олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, лоланинг истиқболли навларини яратиш, уларни кўпайтиришнинг илмий асосланганлиги, орхидеяни *in vitro* шароитида ўстиришга қаратилган дастлабки илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти, дастури ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида қутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган тадқиқот ишларининг дастури, услуби ва тадқиқот объектининг тупроқ-иқлим шароитлари баён этилган. Дастурда белгиланган масалалар дала тажрибалари ва лаборатория таҳлили орқали ўрганилди. Дала тажрибалари Наманган вилояти ҳудудларида ўтказилди. Лола (*Tulipa* L.) ва Орхидея (*Orchidaceae* J.) гулларини етиштириш технологиясининг назарий асослари чоп этилган илмий мақолалар, илмий адабиётлар, ҳисоботлар ва бошқа илмий манбаалар асосида ўрганилди ва таҳлил этилди. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитларига тавсиф бериш учун «Наманган» метеостанцияларининг маълумотларидан фойдаланилди. Лола пиёзларини етиштиришда Нидерландиянинг 16 та навини ва Ўзбекистондаги 10 та навни солиштириш мақсадида экилди. Лола навларининг ўстириш агротехникасини ишлаб чиқишда уларни экиш муддатлари, пиёзларни экиш чуқурлиги ва экиш схемасини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда лола навларининг пиёзлари куз (сентябр), қиш (декабр) ва баҳор (март) мавсумларида 5, 10, 15 см чуқурликда 60, 70 ҳамда 90 смли жўякларда экилди. Тадқиқотни бажаришда Нидерландиянинг 16 та навларини Ўзбекистон иқлим шароитига мослашган навларини танлаш ва Ўзбекистон навларига солиштириш тадқиқоти олиб борилди. Бунда лоланинг пиёз ва гул хосилдорлиги юқори бўлган навлар аниқланди. Орхидея гулининг уруғ капсулаларини Малайзиянинг орхидея етиштириладиган ташкилотидан олинди. Уруғларни экишдан аввал албатта стерилизасия қилинди. Орхидея гулини етиштириш технологиясида асосан 3 хил

намунада БАП (кинитин) 1л/мг 0.4, 0.3, 0.2, 0.1 миқдорда, Триходерма вайде л/гр 1.5, 1.3, 1.2, 1.0, Активланган кўмир % 1.0, 0.8, 0.7, 0.5 фоизда 4 та вариантда *in vitro* усулда экилди яъни уруғидан, каллос тўқимасидан ўстириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Орхидеяни уруғидан ва каллюс тўқимасидан ўстиришда бир хил усулда 4 та вариантда олиб борилди. 1-вариантда МС (минерал тузлар аралашмаси) 1л/гр 4,4, Углевод (Сахароза) 1л/гр 30, Inositol 1л/гр 0,01, Аминокислота оксил моддалар (Казеин) 1л/гр 0,01, БАП 1л/мг 0,4, Антибиотик (benzilpensillin) 1л/мг 100, Агар агар 1л/гр 6, нейтралловчи реактив сифатида NaOH ва HCl дан фойдаланилди, эритма мухити 5,8 реактивлардан фойдаланилди. Бунда уруғидан ва каллос тўқимасидан ўстиришда Knudson озуқа мухитидан фойдаланилди. Бунда 3 услубда 4 вариантда тадқиқот ишлари олиб борилди ва энг мақбул озуқа варианты аниқланди. Орхидея гулини поясидан ўстиришда ҳам 3 услубда олиб борилди яъни озуқа мухитида 6 та вариантда MS 0, MS +1 BAP, MS + 1 NAA, MS + 1 NAA + 1 BAP, MS + 1 NAA + 2 BAP шаклида *in vitro* услубида тадқиқот ўтказилди.

Касалликларнинг учраш даражаси ривожланишлари ва уларнинг гулчилик саноатига келтирган зарарлари, ўсимликларнинг шикастланиши ҳамда ялпи ҳосилнинг камайиш миқдорида қараб аниқлашда Л.Л.Великанов ва И.И.Сидоровалар, А.Е. Чумаков, И.И. Минкевич ва Ю.И. Власовлар ҳамда А.Е. Чумаков ва Т.И. Захароваларнинг услубларидан фойдаланилди.

Ўсимликларнинг манзаравийлигини баҳолаш Былов [1978] услубида уларнинг ялпи гуллаш вақтида 100 баллик тизимда амалга оширилди. Баҳолаш ишлари қуйидаги муҳим манзаравийлик белгилари тақсимланган ҳолда бажарилди:

- гулнинг ранги. Бунда гулзор асосий фонини ташкил этувчи гулларнинг ранги тоза, оддий ва ёрқин бўлса юқори балл; хира, хунук рангдаги гуллар эса паст балл билан баҳоланди;

- гулнинг қатламлилиги. Бунда гул қатламлари зич бўлса юқори, аксинча бўлганда эса паст балл билан баҳоланди;

- гул яшовчанлиги. Бунда кесма гулларда узун гулбандли (30 см дан юқори) ва чидамлиги бўлганлари юқори, аксинча бўлганлари эса паст балл билан баҳоланди;

- гул шакли ва ўлчамлари. Бунда гул шакли ва ўлчамлари гуруҳдаги гуллар ўртача кўрсаткичидан бир неча маротаба катта бўлса юқори балл, кичик бўладиган бўлса паст балл билан баҳоланди;

- ялпи гуллаши. Агар 1-, 2- ва 3-тартибли гулкуртаклар бир вақтда гулласа юқори балл, аксинча кетма-кет гулласа паст балл билан баҳоланди;

- гулнинг ноқулай иқлим шароитларига чидамлилиги. Агар ноқулай омиллардан сўнг гул ўзининг дастлабки шакли ва рангини сақлаб қолса юқори балл, аксинча дастлабки хусусиятларини йўқотса паст балл билан баҳоланди;

- оригиналлик. Бунда гуллаш вақтида мутлақо янги ранг ва шаклни ҳосил қилган нав юқори, гуруҳдаги навларнинг шакл ва рангини такрорласа паст балл билан баҳоланди;

- ўсимлик ҳолати. Тажрибадаги барча ўсимликлар сақланиб қолган ва соғлом бўлса юқори балл, кўз билан чамалаб ўрганилганда 10% гача нобуд

бўлган бўлса паст балл билан баҳоланди.

Манзаравийлик белгиларининг ҳар бири 5 баллик шкала асосида баҳоланди. Ўсимликнинг манзаравийлик баҳосини аниқлашда ҳар бир турнинг аҳамиятли белгиларнинг боғлиқлик коэффицентлари шакллантирилди. Шундан сўнг ҳар бир белгининг балл кўрсаткичларини боғлиқлик коэффицентларига кўпайтириш орқали якуний балл шакллантирилади ва ҳар бир навнинг манзаравийлик хусусиятлари баҳоланди

Дала тажрибаларида олинган натижалар статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1986) тавсия қилган услубига асосан бажарилди.

Диссертациянинг «**Лолани пиёздан кўпайтириш технологияси**» деб номланган учинчи бобида Нидерландиядан келтирилган 16 та (*Givency spar red, Barbara sobel pink, Wit rode punt, Dub rw, Double red with white effe, Ridgedale orange, Brown semi double, NC pride dark lila, Crw 18 creamwhite, Dana Winner white, Purper cloud, Purple early blooming, Piet Paulusma yellow, Givency red with yell effe, Lichte copex light pink, Bl 16-17o viole*) ва Ўзбекистонда ўстирилаётган 10 та (Анушка, Май Леди, Маурен, Оксфорд, Принцесса Шармант, Парад, Рогнеда, Посвишение Вавилову, Флородейл, Президент Кеннеди) навларининг тавсифи, пиёз ўлчамлари (узунлиги, диаметри, оғирлиги), ҳосилдорлиги, экиш муддатлари, ўсиб-ривожланиш кўрсаткичлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

**Лола пиёзларининг морфологик хусусиятлари.** Ўрганилаётган навлар пиёзининг ўлчамлари бўйича шартли равишда ўлчамига кўра йирик (пиёз узунлиги 5 см, пиёз диаметри 3 см ва пиёз оғирлиги 4 гр дан юқори), ўртача (пиёз узунлиги 4-5 см, пиёз диаметри 2,5-3 см ва пиёз оғирлиги 3-4 гр) ва майда (пиёз узунлиги 4 см, пиёз диаметри 2,5 см ва пиёз оғирлиги 3 гр гача) гуруҳларда ажратилди. Унга кўра йирик пиёз ўлчамли лолаларга *Wit rode punt, Brown semi double, NC pride dark lila, Crw 18 creamwhite, Dana Winner white, Purper cloud, Purple early blooming, Piet Paulusma yellow, Bl 16-17o viole, Оксфорд, Парад* лар, ўртача пиёз ўлчамли лолаларга *Dub rw, Ridgedale orange, Анушка, Маурен, Посвишение Вавилову, Президент Кеннеди Флородейл* ва майда пиёз ўлчамли лолаларга эса *Givency spar red, Barbara sobel pink, Double red with white effe, Givency red with yell effe, Lichte copex light pink, Май Леди, Принцесса Шармант, Рогнеда* лар киритилди.

Ўз навбатида йирик ўлчамли лола пиёзининг шакли думалоқ (*Wit rode punt, Crw 18 creamwhite, Purper cloud, Piet Paulusma yellow,*), овалсимон (*Brown semi double, NC pride dark lila, Purple early blooming, Оксфорд*) ва ноксимон (*Dana Winner white, Bl 16-17o viole, Парад*) кўринишларга, ўртача пиёз ўлчамлилар эса думалоқ (*Dub rw, Ridgedale orange, Анушка, Маурен, Посвишение Вавилову, Президент Кеннеди, Флородейл*) кўринишга, майда пиёз ўлчамли навлар эса ноксимон (*Givency spar red, Barbara sobel pink, Double red with white effe, Givency red with yell effe, Lichte copex light pink, Май Леди, Принцесса Шармант, Рогнеда*) кўринишга эга эканлиги аниқланди. Лола пиёзларидаги пиёз қаватларининг сони бўйича эса йирик ўлчамли пиёзларда 6 тадан 10 тагача, ўртача ўлчамлиларда 6 та ва майда ўлчамлиларда эса 3-5 та қаватнинг мавжудлиги кузатилди. Ўрганиш


натижаларига кўра, Нидерландиядан келтирилган *Piet Paulusma yellow* навининг пиёзи 10 қаватдан ташкил топганлиги аниқланди.

Танлаб олинган навлар пиёзларининг узунлиги таҳлил этилганда Нидерландиядан келтирилган пиёзларидаги ўртача кўрсаткичлари 3,28 см дан 11,51 см гача, маҳаллий навларда эса 3,78 см дан 5,19 см гача эканлиги аниқланди. Нидерландиядан келтирилган лола пиёзларининг узунлик кўрсаткичлари таҳлил этилганда, йирик ўлчамлилардаги *Wit rode punt* навида 7,46 см бўлган бўлса, *NC pride dark lila* навида ушбу кўрсаткич 11,51 см га тенг бўлди. Ўртача ўлчамлиларда эса 4,23-4,83 см, майда ўлчамлиларда эса 3,28-3,83 см га тенг бўлди. Маҳаллий шароитда ўстирилаётган лола пиёзларининг узунлиги таҳлил этилганда эса йирик ўлчамга эга бўлган Оксфорд ва Парад навларида 5,19 см, ўртача ўлчамга эга бўлган Анушка навида 4,67 см бўлган бўлса, Флородейл навида 4,19 см га тенг бўлди. Майда ўлчамли навларнинг пиёз узунлик кўрсаткичлари эса 3,82-3,88 см ни ташкил этди. Нидерландия ва маҳаллий шароитда ўстирилаётган навларнинг таққослаш натижасида Нидерландиядан келтирилган йирик ўлчамли пиёзларининг узунлик кўрсаткичлари 2 маротаба юқори эканлиги аниқланди (1-расмга қаранг).


Танлаб олинган навлар пиёзларининг диаметри таҳлил этилганда Нидерландиядан келтирилган пиёзларидаги ўртача кўрсаткичлари 2,16 см дан 9,78 см гача, маҳаллий навларда эса 2,33 см дан 3,90 см гача эканлиги аниқланди. Нидерландиядан келтирилган лола пиёзларининг диаметр кўрсаткичлари таҳлил этилганда, йирик ўлчамлилардаги *Wit rode punt* навида 7,81 см бўлган бўлса, *Piet Paulusma yellow* навида ушбу кўрсаткич 9,78 см га тенг бўлди. Ўртача ўлчамлиларда эса 2,81-3,12 см, майда ўлчамлиларда эса 2,16-3,06 см га тенг бўлди. Маҳаллий шароитда ўстирилаётган лола пиёзларининг диаметри таҳлил этилганда эса йирик ўлчамга эга бўлган Парад навида 3,90 см, ўртача ўлчамга эга бўлган Анушка навида 3,99 см бўлган бўлса, Президент Кеннеди навида 2,87 см га тенг бўлди. Майда ўлчамли навларнинг пиёз диаметр кўрсаткичлари эса 2,33-2,42 см ни ташкил этди. Нидерландия ва маҳаллий шароитда ўстирилаётган навларнинг таққослаш натижасида Нидерландиядан келтирилган йирик ўлчамли навларнинг пиёзларининг диаметри кўрсаткичлари 2,51 маротаба юқори эканлиги аниқланди (2-расмга қаранг).

Танлаб олинган навлар пиёзларининг оғирлиги таҳлил этилганда Нидерландиядан келтирилган пиёзларидаги ўртача кўрсаткичлари 2,57 гр дан 10,04 гр гача, маҳаллий навларда эса 2,72 гр дан 4,09 гр гача эканлиги аниқланди. Нидерландиядан келтирилган лола пиёзларининг оғирлик кўрсаткичлари таҳлил этилганда, йирик ўлчамлилардаги *NC pride dark lila* навида 10,04 гр бўлган бўлса, *Piet Paulusma yellow* навида ушбу кўрсаткич 10,03 гр га тенг бўлди. Ўртача ўлчамлиларда эса 3,10-3,92 гр, майда ўлчамлиларда эса 2,57-2,87 гр га тенг бўлди. Маҳаллий шароитда ўстирилаётган лола пиёзларининг оғирлиги таҳлил этилганда эса йирик ўлчамга эга бўлган Парад навида 4,09 гр, ўртача ўлчамга эга бўлган Анушка навида 3,92 гр бўлган бўлса, Президент Кеннеди навида 3,90 гр га тенг бўлди. Майда ўлчамли навларнинг пиёз оғирлик кўрсаткичлари эса 2,72-2,90 гр ни ташкил этди. Нидерландия ва маҳаллий шароитда ўстирилаётган навларнинг таққослаш натижасида Нидерландиядан келтирилган йирик ўлчамли

навларнинг пиёзларининг оғирлик кўрсаткичлари 2,45 мартаба юқори эканлиги аниқланди (3-расмга қаранг).




**1-расм. Нидерландиядан келтирилган ва маҳаллий лола навлари пиёзларининг узунлиги, см**



**2-расм. Нидерландиядан келтирилган ва маҳаллий лола навлари пиёзларининг диаметри, см**

Нидерландиядан келтирилган лола пиёзлари узунлиги ва оғирлиги орасидаги боғлиқлик ўрганилганда, тўғри чизиqli боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланди (корреляция коэффиценти 0,97 га тенг). Пиёз диаметри ва оғирлик орасида ҳам тўғри чизиqli корреляцион боғлиқлик ҳам мавжуд бўлиб, корреляция коэффиценти 0,95 га тенг бўлди. Лола пиёзларининг узунлиги, диаметри ва оғирлиги орасидаги боғлиқлик ўрганилганда эса корреляция

коэффициенти 0,9 га тенг бўлди. Маҳаллий навларда ҳам лола пиёзлари узунлиги, диаметри ва оғирлиги орасидаги тўғри чизиқлик корреляцион боғлиқлик ҳам мавжуд эканлиги аниқланди (корреляция коэффициенти 0,998 га тенг).




**3-расм. Нидерландиядан келтирилган ва маҳаллий лола навлари пиёзларининг оғирлиги, гр**

1 пог метрдан олинадиган пиёзлар миқдори таҳлил этилганда, Нидерландиядан келтирилган навларда 15 тадан 75 тагача, маҳаллий навларда эса 25-41 донага тенг эканлиги аниқланди. Навлар бўйича пиёзлар миқдори таҳлил этилганда Нидерландия навларидан ўртача 16-72 дона, маҳаллий навлардан эса ўртача 31-40 дона пиёз олишга эришилди.

**Лола пиёзларини экиш муддатларининг униб чиқиши ва ўсиб-ривожланишига таъсири.** Лола пиёзларини экиш муддатларини аниқлаш учун Нидерландиядан келтирилган ва маҳаллий навларнинг пиёзлари 30 сентябр, 1 декабр ва 1 март саналарида экиш ишлари амалга оширилди. Экиш ишлари амалга оширилгандан сўнг экилган пиёзларнинг униб чиқа бошлаши яъни дастлабки намуналарнинг намоён бўлиши сентябрда экилган пиёзларда барча навлар бўйича 70-85 (10-21 декабр) кунни, декабрда экилганлар 112-116 (22-26 март) кунни ва мартда экилганлари эса 23-30 (23-30 март) кунни ташкил этгани кузатилди. Дастлабки намуналар намоён бўлганидан сўнг лолаларнинг ялпи намоён бўлиши турли муддатларда экилган пиёзларда 5-20 кунни ташкил этганлиги кузатилди. Ушбу кўрсаткичларни навлар бўйича солиштирилганда, сентябрда экилган лола пиёзларининг дастлабки намуналарнинг намоён бўлиши Wit rode punt, Double red with white effe, Brown semi double, NC pride dark lila, Crw 18 creamwhite, Dana Winner white, Purper cloud, Purple early blooming, Piet

Paulusma yellow, Маурен, Принцесса Шармант, Парад, Посвишение Вавилову, Президент Кеннеди навларида эрта яъни 10 декабрда, Barbara sobel pink (20.XII), Dub rw (20.XII), Ridgedale orange (19.XII), Lichte copex light pink (16.XII), Bl 16-17o viole (18 XII), Анушка (20.XII), Май Леги (20.XII), Оксфорд (20.XII), Рогнеда (20.XII), Флородейл (20.XII) навларида ўрта яъни 11-20 декабр кунларида, бошқа навлар Givency spar red (21.XII) ва Givency red with yell effe (25.XII) эса кеч яъни 20 декабрдан сўнг ривожлана бошлади. экилган пиёзларнинг ялпи равишда ривожланиши эса март ойининг сўнги декадасидан апрел ойининг сўнгигача давом этди. Бунда маҳаллий навларнинг ялпи ривожланишни бошлаши барча навлар бўйича узок муддатда (1 ой) намоён бўлди.

Турли муддатларда экилган лола пиёзларининг униб чиқиш даражаси 33-100% ни ташкил этди. Муддатлар бўйича солиштирадиган бўлсак, сентябрда экилган пиёзларда Нидерландия келтирилган навларида 50-100%, маҳаллий навларда эса 50-96%, декабрда экилганда Нидерландиядан келтирилган навларида 43-93%, маҳаллий навларда 43-70%, март ойида эса Нидерландиядан келтирилган навларда 33-90%, маҳаллий навларда 36-63% ни ташкил этди (4-расмга қаранг).



**4-расм. Турли муддатларда экилган лола навлари пиёзларининг униб чиқиш даражаси, %**

Лола пиёзларини экиш чуқурлиги ва экиш схемаларининг униб чиқиши ва ўсиб-ривожланишига таъсири. Лола пиёзларини экиш чуқурлигини аниқлашда 5, 10, 15 см чуқурликларда экишнинг пиёзларни униб чиқиши ва сақланиб қолишига таъсири ўрганилди. Тадқиқотларимиз мобайнида 10 см чуқурликка экилган пиёзларнинг униб чиқиш кўрсаткичлари маҳаллий навларда 47-93%, Нидерландиядан келтирилган навларда 47-100% ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар 5 ва 15 см да экилганларга нисбатан маҳаллий навларда 16-56% га, Нидерландиядан келтирилган навларда эса 20-70% юқори эканлиги аниқланди. Навлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, маҳаллий навлардан бўлган

*Президент Кеннеди* нави пиёзларининг униб чиқиш кўрсаткичи 10 см чуқурликда экилганда 93% ни ташкил этиб, 5 см чуқурликда экилгандан 23% яъни 1,33 марта, 15 см чуқурликда экилгандагидан эса 16% яъни 1,21 марта юқори бўлди. Нидерландиядан келтирилган *Dana Winner white*, *Purple early blooming* ва *Piet Paulusma yellow* навларида униб чиқиш кўрсаткичи 100% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар 5 см да экилгандагидан 30-37% ёки 1,43-1,58 марта, 15 см да экилгандагидан 17-20% ёки 1,2-1,25 марта юқори эканлиги аниқланди.

Лола пиёзларининг экиш схемалари ҳам уларнинг униб чиқишига таъсир кўрсатиб, 70x10 см схемада экилганда уларнинг униб чиқиши нидерландиядан келтирилган навларда 76%, маҳаллий навларда эса 70% ни ташкил этиб, бошқа экиш схемаларига нисбатан Нидерландия навларида 10-43% ёки 1,51-2,3 марта, маҳаллий навларда эса 7-40% ёки 1,75-10 марта юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу эса лола пиёзларининг 1 пог метрдаги сонига ҳам ўз таъсирини кўрсаткиди. Жумладан, 70x10 см схемада экилганда 1 пог метрдаги лола гуллари сони Нидерландиядан келтирилган навларда 23 тани, маҳаллий навларда эса 21 тани ташкил этгани аниқланди.

**Лола пиёзларини ривожланиш кўрсаткичлари.** Лола пиёзларини экиш муддатлари уларнинг ўсиб ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан сентябрда экилган пиёзларнинг ўсиш кўрсаткичлари бошқа муддатларга нисбатан Нидерландиядан келтирилган навларда 1,54-2,24 марта, маҳаллий навларда эса 1,29-1,83 марта юқори бўлди. Навлар бўйича солиштириладиган бўлса сентябрда экилган Нидерландиядан келтирилган *Piet Paulusma yellow* навининг ўсиш кўрсаткичи  $53,9 \pm 0,026$  см ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич шу вақтда экилган маҳаллий навлардан 1,22-1,5 марта, Нидерландиядан келтирилган навлардан эса 1,03-1,5 марта юқори натижани қайд этди.

Сентябрда экилган лола навларининг пиёзлари декабрнинг дастлабки декадасида униб чиқа бошлади. Декабр ойининг сўнгидаги ўсиш кўрсаткичи Нидерландиядан келтирилган навларда 10 декабрдагидан 1,73-2,97 мартаба ёки 1,26-6,03 см га ўсганлиги кузатилди. Навлар бўйича юқори ўсиш кўрсаткичи *Purple early blooming* навида кузатилди. Маҳаллий навлар Нидерландия навларидан фаркли равишда декабрнинг иккинчи 10 кунлигида ўсишни намоён этган навларнинг кейинги ўсиши ҳам ривожланиб борди. Бунинг натижасида навлар орасида ўсиш кўрсаткичлари Анушка навида юқори кўрсаткичда кузатилиб, ушбу кўрсаткич 2,14 мартабага ёки 2,49 см га юқори эканлиги аниқланди.

Лола навларининг январ ойидаги ҳаво ҳароратининг пасайиши натижасида ўсиш кўрсаткичлари кузатилмади. Феврал ойининг дастлабки кунларидан бошлаб эса ўсиш кузатила бошланди. Ўрганиш натижаларига кўра, феврал ойининг дастлабки 10 кунлигида Нидерландиядан келтирилган навларнинг ўсиш кўрсаткичи 8,67 см га ёки 3,4-18,71 см ни ташкил этди. Навлар бўйича таҳлил этилганда эса, *Givency red with yell effe* навида  $3,4 \pm 0,07$  см, бўлган бўлса, *Purple early blooming* навида ушбу кўрсаткич  $18,71 \pm 0,4$  см га тенг бўлди. Маҳаллий навларнинг ушбу декададаги ўсиш кўрсаткичлари эса ўртача 4,12 см га тенг

бўлиб, 3,41-4,52 см гача ўзгариб турди. Бунда, минимал кўрсаткич *Анушка* навида 3,41±0,07 см, максимал кўрсаткич эса *Президент Кеннеди* навида 4,52±0,06 см ни ташкил этди. Худуддаги ҳаво ҳароратининг ортиб бориши натижасида феврал ойининг иккинчи ва учинчи 10 кунликларидаги ўсиш кўрсаткичлари ортиб борди. Бунинг натижасида Нидерландиядан келтирилган навларнинг ўсиш кўрсаткичлари дастлабки 10 кунликка нисбатан иккинчи 10 кунликда 2,72 марта, учинчи 10 кунликда эса 3,52 марта ёки 10,14 см ва 15,42 см юқори бўлганлиги аниқланди.

Ўстирилаётган навларнинг гуллаш даври 05.04-25.04 ни ташкил этди. Бунда эрта гулловчи (05.04) *Dub rw*, *Double red with white effe*, *Crw 18 creamwhite*, *Purper cloud*, *Lichte corex light pink*, *Оксфорд*, *Принцесса Шармант*, *Флородейл* навлари киритилган бўлса, кеч гулловчиларга (20.04 дан 25.04 гача) *Wit rode punt*, *Ridgedale orange*, *NC pride dark lila*, *Purple early blooming*, *Piet Paulusma yellow*, *Givency red with yell effe*, *Маурен*, *Парад*, *Посвишение Вавилу* навлари киритилди. Гуллаш даврининг давомийлиги танлаб олинган барча навларда 10-18 кунни ташкил этди. Бунда Нидерландиядан келтирилган *Wit rode punt* ва маҳаллий *Маурен* навларида 14-18 кунни ташкил этиб, бошқа навлардан 1-4 кун кўп эканлиги билан ажралиб турди. Навлар орасида *Barbara sobel pink*, *Lichte corex light pink*, *Crw 18 creamwhite*, *Май Леди*, *Флородейл* нинг гуллаш давомийлиги 10-13 кунни ташкил этиб, бошқа навлардан кам муддатлиги билан ажралиб турди (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал

#### Лола навларининг гул ўлчамлари ва гуллаш тавсифи

№	Лола навлари	Гул ўлчамлари, см		Гуллаш муддати	Гуллаш давомийлиги, кун
		Узунлиги	Диаметри		
<b>Нидерландия навлари</b>					
1	<i>Givency spar red</i>	8	6	10.04	13-15
2	<i>Barbara sobel pink</i>	15	13	08.04	10-12
3	<i>Wit rode punt</i>	7,5	6	20.04	14-18
4	<i>Dub rw</i>	10,5	10	05.04	13-15
5	<i>Double red with white effe</i>	13	11	05.04	12-13
6	<i>Ridgedale orange</i>	10	9,5	25.04	11-13
7	<i>Brown semi double</i>	8	4,5	22.04	14-16
8	<i>NC pride dark lila</i>	9,5	5,5	25.04	14-17
9	<i>Crw 18 creamwhite</i>	10	9	05.04	11-12
10	<i>Dana Winner white</i>	9,5	9,5	08.04	11-13
11	<i>Purper cloud</i>	13	11	05.04	12-13
12	<i>Purple early blooming</i>	10	9,5	25.04	11-13

**1-жадвалнинг давоми**

13	Piet Paulusma yellow	8	4,5	22.04	14-16
14	Givency red with yell effe	9,5	5,5	25.04	14-17
15	Lichte copex light pink	10	9	05.04	11-12
16	Bl 16-17o viole	9,5	9,5	08.04	11-13
<b>Ўзбекистон навлари</b>					
1	Анушка	8	6	10.04	13-15
2	Май Леди	15	13	08.04	10-12
3	Маурен	7,5	6	20.04	14-18
4	Оксфорд	10,5	10	05.04	13-15
5	Принцесса Шармант	13	11	05.04	12-13
6	Парад	10	9,5	25.04	11-13
7	Рогнеда	8	4,5	22.04	14-16
8	Посвишение Вавилову	9,5	5,5	25.04	14-17
9	Флородейл	10	9	05.04	11-12
10	Президент Кеннеди	9,5	9,5	08.04	11-13

Диссертациянинг «**Ноёб орхидеяни ўстириш усуллари тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида Орхидеяни *in vitro* шароитида турли таркибли озуқа муҳитларда кўпайтириш, ҳамда уларни адаптациядан ўтказилган намуналарнинг ўсиб-ривожланиш кўрсаткичлари натижалари бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

